

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Партия билан халқимиз ҳаёқонли, муҳим сиёсий воқеаларга бой бўлган даврни бошдан кечирмоқда. Москвада Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг «Совет халқининг ўлмас жасорати» доклади, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг иккинчи жаҳон уруши тугалланганининг 40 йиллиги муносабати билан «Барча мамлакатлар халқлари, парламентлари, ҳукуматлари, партиялари, Коммунистик партияларининг доно ленинча сиёсатининг чуқур мамнуният ҳис-туйғуларини туйдирмоқда.

Советлар мамлакатини бутун жаҳон олдиди қудратли давлат сифатида намоён бўлмоқда. Совет кишилари тобора мурракб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этмоқдалар. Бу вазифалар ҳақида КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленумида гап борди. Пленум партиянинг навабдати XXVII съездининг 1986 йил 25 февралда қабириш тўғрисида қарор қабул қилди, съездда муҳокама қилинадиган масалаларни белгилади, ҳисобот-савлово кампаниясини ўтказиш мудиатларини кўрсатиб берди.

«КПССнинг бўлажак XXVII съезди», — деб таъкидлади ўртоқ М. С. Горбачев Пленумда қилган докладада. — мамлакатни ривожлантиришда бутун бир даврга тенг босқич бўлиб қолди. Унинг аҳамияти муҳокамага қўйилаётган масалаларнинг биринчи даражада муҳимлиги, бошдан кечирилётган даврининг характерини, жаҳият олдиди пайдо бўлаётган вазифаларнинг янгилиги ва кўлами билан белгиланмоқда».

Апрель Пленуми партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари томонидан белгиланган стратегия йўлининг давомийлигини яна бир қарар тасдиқлади. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладада мамлакатимиз ютуқлари кўрсатилди, камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди, уларни бартараф этишнинг йўллари ва воситалари белгиб берилди, бугунги кунга ва истиболга йўлланган вазифалар қўйилди.

Совет Иттифоқи иқтисодий ҳаётининг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришган. Мамлакат экономикаси қудратли, ҳар та-

рафлама тараққий этгандир, биз юқори малакали кадрларга эгамиз, ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантиришнинг кўпгина йўналишлари бўйича жаҳонда етакчи позицияларни эгаллаб турибмиз. Ҳаётимизда чуқур социал ўзгаришлар руи берди. Гарантланган меҳнат қилиш ҳуқуқи ва унга ҳақ тўлаш, жаҳиятнинг инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиши, маънавий маданиятдан кенг баҳраманда бўлиш, шахсининг қадриқиммати ва ҳуқуқларини ҳўрмат қилиш, меҳнаткашларнинг бошқаришдаги иштирокини муттасил кенгайтириб бориш социалистик турмуш тарзинининг ажралмас белгилари бўлиб қолди. Улар жаҳиятнинг сиёсий барқарорлигининг, совет кишиларининг келажика комил ишловининг энг муҳим манбаларидир.

Мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришда Совет Ўзбекистонини, унинг пойтахт области меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар иқтисодий ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришни, унинг самарадорлигини оширишни таъминлаётганлар. Область сананоида беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми пиланди 16,9 процент ўрнига 17,5 процента ортиди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича план топириши охири бошқарилиди. Янги йирик ишлаб чиқариш ва социал-маданый объектлар ишга туширилди, чала қолган қурилиш ҳажми камаятди. СССР Соц-оқват программасини бажариш соҳасида катта иш қилинди. Давлатда асосий турдаги деҳончилик ва чорвачилик маҳсулотлари топириши бўйича тўрт йиллик план бажарилиди. Соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданият янада раванқ топди. Халқ турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми, шундан кейинги пленумлари қарорларини бажариш натижасида уюшқонлик ва интизом мустаҳкамланди, салбий ҳодисаларга қарши изчил кураш олиб боришмоқда.

Бу йил ҳам дуруст натижаларга эришилмоқда. Маҳсулотларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича тўрт ойлик план мудиатидан илгари — 29 апрелда бажарилиди. Пиланга қўшимча равишда 5,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ўтган йилга нисбатан асосий фондларни, турар-жойлар, мактабгача тарбия болалар муассасаларини ишга тушириш ҳажми

ортиди, қурилиш сифати яхшиланди. Мўл ва эртаги пахта ҳосили етиштириш учун яхши замин яратилди.

Бироқ, КПСС Марказий Комитети апрель Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир бундан бунгунга ўзгартирилган ва қайта қурилиш, жаҳиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу ерда гап энг аввало халқ ҳўжалигини интенсификация ва жадал ривожлантириш тўғрисида кетяпти. Биз жу-да қисқа мудиат ичиди жаҳонда энг юқори меҳнат унумдорлиги, маҳсулотнинг аъло сифатлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасига чиқиб олишимиз зарур. Фан-техника тараққий-етини кескин жадаллаштириш, халқ ҳўжалигига фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан тезда самарали фойдаланиш — бу мақсадга эришишнинг беш стратегия воситасидир. Ривожланишнинг суръатларини, капитализм билан иқтисодий му-собақанинг бориши кўп жи-

чиқарилиш аслини олганда моддий ресурсларнинг ўтири-ланиши, халқимиз меҳнати-нинг талон-тароқ қилиниши демократия. Апрель Пленуми-да «Сифат ва янги бир қар-рар сифат — бизнинг бугун-ги шпоримиздир» деб ўқти-рилди.

Социалистик мажбурият-ларга кўра Тошкент обла-стида олий сифат категори-ли маҳсулотлар салмоқини аттестация қилинадиган ма-ҳсулотлар умумий ҳажми-нинг 36 процентига етказиш кўзда тутилган. Бу ишни мустаҳкам асосга қўйиш, маҳсулот сифатини ошириш учун ҳамма имкониятларни ишга солиш зарур.

Техамкорлик режими-га қатъий риоя қилиш, исоф-гарчили ва нобудгарчилик-ларга қарши кураш ҳар бир меҳнат коллективининг иш нормасига айланиши лозим. Ҳар бир корхона тезроқ ло-йиқа қувватига чиқиб оли-ши, бир килограмм ҳам це-мент, металл, қомаш, бир дақиқа ҳам иш вақти беҳу-да йўқолмаслиги учун кура-

ни талаб этипти. Стратегия вазифаларини ҳал этишдаги марказлаштирилган асос бундан буён ҳам ривожлан-тира борилиши билан бир қаторда корхоналарнинг ку-қудлари, уларнинг муста-қиллиги ҳам кенгайтирили-ди. Ҳўжалик бошқаруви-нинг юқори погоналари иши-ни қайта қуриш, планлаш-тиришни яхшилаш, бошқа-рув аппарати структурасини таомиллаштириш ва ихчам-лаштириш, ортиқча бўғин-ларини тугатиш, турли ёзма йўл-йўриқлар, қонда-низо-мларни кескин қисқартириш, ҳўжалик ҳисоби принцип-ларини барча бошланғич ме-ҳнат иччиларига, ҳар бир иш жойига етказиш вазифа-ларини хал қилиш керак.

Халқ турмуш фаровонли-гини ошириш, шахсининг у-ғун камол топиши учун ку-раш шароитлар яратиш мам-лакатнинг социал-иқтисо-дий тараққийини жадаллаш-тиришининг олий маъноси, партия сиёсатининг туб ма-қсади-дир.

Бу соҳадаги ютуқларимиз

(1985 йил) Пленуми, Ўзе-бекистон Компартияси Марка-зий Комитети XIX пленуми қарорлари бу курашнинг яна-да кучайтиришга хизмат қилмоқда. Социалистик принциплардан ҳар қандай огишларга қарши мустаҳкам тўсиқ қўйиш, техникўрлик билан кун қуриш барча ман-баларини беркитиш, янги пайтда ҳалол ва самарали меҳнат қилганлик учун мод-дий ва маънавий рағбатлан-тириш ролинн ошириш ке-рак. Бу ишни мунтазам, қатъият ва принципиаллик билан изчил олиб бориш барча партия, совет, ҳўжа-лик органларининг бурчи, ҳар бир ҳалол кишининг ва-зифасидир.

Навабдати съезд арафа-сида алоҳида диққат-этиб-ор талаб қиладиган, кечикти-рилб бўлмайдиган қатор ва-зифаларни ҳал этиш лозим. Бу биринчи навабдот Ози-оқват программасини бажари-ришидир. Агросаноат ком-плекси ишини мунтазам та-комиллаштириб бориш, ҳар бир колхоз ва совхозда,

улардан яхшироқ фойдала-нишга қаратилган қимматли ташаббусларни қўллаб-қув-ватлашда авангардлик роли-ни йўнашлари керак.

Пленум ҳисобот-савло-во кампанияси ишчиллик, при-нципаллик, партия ташки-лотлари ва уларнинг раҳбар органлари фаолиятини баҳо-лашга таъкидий ёндошиш муҳитида ўтиши зарурлиги-ни талаб қилди. Игилли-ларда ортиқча мақтовларга, сафсатабозлик билан ишининг моҳиятини хас-пўшлашга, камчиликларни объектив сабабларга тўнказашга ўрин бўлмаслиги лозим. Ҳисобот-савлово партия турмуши-нинг нормаларини янада мустаҳкамлашга, партия ташкилотлари жанговарли-гини, коммунистларнинг ак-тивлиги ва ташаббускорлиги-ни кучайтиришга, уларнинг ўз ташкилотларидаги, шу-нингдек умуман партиядаги ишларнинг аҳволи учун масъулиятини оширишга қўмаклашиши керак.

Партия етуқ, яхши тайёр-гарчилидан ўтган кадрларга эгадир. Партия бундан буён ҳам ўзининг кадрлар сиёса-тида ленинча принципларга амал қилади, партия раҳбар-лигининг барқарорлигини, тақрибли ва ёш ходимлар мунасиблигини таъмин-лашга, партия органларини янги кучлар, билимдон, та-шаббускор, омма олдига ва-зифа қўя оладиган ва бу вазифани бажаришни охири-гача етказадиган, ҳўжалик юртишнинг сиёсий маъно-сини ёнтийбордан қочмайра-диган кишилар билан му-стаҳкамлаш йўлини ўтказ-а беради. Шу билан бир қ-аторда партия кадрларни ку-рашда турмушга янги йўл қўйишга қарайди. У бирорта партия ташкилоти, бирорта ходим контролдан чепда қолмаслиги керак деб ҳисоблайди.

Ҳозирги босқичдаги му-раккаб ва кенг кўламли ва-зифаларни муваффақият-ли ҳал этишда сиёсий-тарбия-вий, идеология ишининг роли улкандир. Бу соҳада ол-га кетар силиқи кузатишмоқда. Аммо идеология иши ҳаёт билан мустаҳкам боғлиқ бўлиши учун ҳали ҳамма нарсас қилинган эмас. Бу иш-га расмийчилик ва наса қатъийлик, сўз ва иш ўрта-сидида изилиш ҳалақат бер-япти. Идеология фаолиятида гап наморқ, иш кўпроқ бў-лиши керак.

Улкан программаларимиз ва планларимизни амалга ошириш учун бизга тинчлик керак. Советлар мамлакат-ўзининг ленинча тинчликсе-вар таққи сиёсатида солиқ-дан. Ўртоқ М. С. Горбачев-нинг Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тан-танали мажлисда қилган

докладада «Совет Иттифоқи урушларини дунё учун, ку-рол-яроғини дунё учун қатъ-ий билан курашмоқда» де-ган сўзлари бутун ер юзига тарқалди. Бунинг мамлакатим-из томониди яқинда ол-га сурилган янги тинчлик та-шаббуслари ҳам тасдиқла-рилади. Бунда Совет Итти-фоқи қўзғатган мақсадлар равшан ва — аниқдир. Бу умумий хавфсизлигини мус-таҳкамлаш, ядровий қурол-ларни поғсизини тўхтатиш, бу поғсизини космосга олиб чиқошга йўл қўймаслиқдир.

Халқаро вазиятнинг кес-кинлашгани олдидида турган юксак мақсадларга эришиш учун ўз фидойилигини, куч-гайратини аямаслигини талаб этади. Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мус-таҳкамлаш — бизнинг тинч-лик ишига қўшадиган муно-сиб ҳиссамиз бўлади.

Уруш хавфининг олдини олишда социалистик мамла-катлар ҳамдўстлиги энгил-мас кучдир. Бу давлатлар жипислигини янада мустаҳ-камлашда Варшава Шартно-масига аъзо бўлган мамла-катлар сиёсий ва давлат ар-бобларининг олий даражада-ги учрашуви унутилмас во-қеа бўлди. Ўзгичлик, ҳамкор-лик, ўзаро ердан тўғрисида-ги Шартнома мудиатлари узайтирилиши тўғрисидаги битимнинг имзолашнинг ми-литаризм ва агрессия куч-ларини жиловлашнинг му-ҳим қафоллатидир.

Партиянинг навабдати съездида тайёргарлик бу — эришилган муваффақият-ларни чуқур таҳлил этиш ва реалистик баҳолаш, ол-га томон ҳаракатини ҳалақат бераётган сабабларни ани-қлаш ва бартараф этиш да-вридир. Бу ҳар ташаббула-ма — сиёсий, иқтисодий, та-шқи-лотчилик, ғоний-иқидий соҳаларда қизғин иш олиб бориш давридир.

Шу йилги, умуман беш йиллик планларини (бунда бу планларни ҳеч ҳам ўз-гартирмадан) ва социали-стик мажбуриятларни муваф-фақиятли бажариш, ўн ик-кинчи беш йиллик учун му-стаҳкам замин яратиш обла-стимиз меҳнаткашлари олди-да турган энг муҳим вазифа-дир. Бунинг учун кўш қуч-гайрат билан ишлаш, барча ташкилий-иқтисодий ва со-циал резервларини ҳеч кечик-тирмай ишга солиш керак. Социалистик мусобақа ҳам ҳозир шу мақсадга қарати-лиши лозим.

Қудратли ва жинслаган, сафларининг бирлиги ва халқ томонидан қўллаб-қув-ватланиши билан кўчли бў-лган Ленин партияси 85 съездида бормоқда. Бизни бу воқеага қирқиллаштираётган ҳар бир кун зарбдор меҳнат кунига, айланиш керак.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1985 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИГА ОИД ЛЕКЦИЯЛАР, ДОКЛАДЛАР ВА СУҲБАТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ ТЕМАТИКАСИ

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми партия XXVII съездида тайёргарлик қуриш ва унга ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида.

КПСС стратегия йўлининг давомийлиги.

Мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш йўллари.

Экономикани интенсификацияга ўтказиш — энг муҳим вазифа.

Меҳнат унумдорлигини жадаллаштириш йўллари.

Экономикани интенсификацияга ўтказиш — энг муҳим вазифа.

Викдонан, бутун кунни сарфлаб ишлаш.

Ишлаб чиқаришимизни ўстириш резервлари.

Шартнома интизомини мустаҳкамлаш.

Исофгарчили ва нобудгарчилига қарши қатъий кураш — экономиканинг муҳим резерви.

Фан-техника тараққийи-ни тубдан жадаллаштириш — халқ ҳўжалигини интенсификациянинг асосий омил.

Машинасозлиқни юксак суръатлар билан ривожлан-тирайлик.

Маҳсулот сифатини бутун чоралар билан ошириш — шу куннинг энг муҳим талаби.

Экономикани бошқаришни яхшилашнинг, ҳўжалик ме-ханизминин қайта қуришнинг муҳим вазифалари.

Ҳўжалик ҳисобини жорий этиш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Тартиб ва интизомни мус-таҳкамлашга жиддий эъти-бор берайлик.

Халқ фаровонлигини оши-риш — КПСС фаолиятининг олий маъмуни.

Социалистик турмуш тар-зига ёт бўлган салбий ҳо-дисаларга қарши қатъий ку-раш олиб бораёйлик.

Озиқ-овқат программаси-ни амалга ошириш тадбир-лари.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва ма-иш-ий хизматини ривожланти-риш.

Халқ соғлиқини сақлаш — партия социал сиёсатининг муҳим соҳаси.

Мактаб ислохотини амал-га ошириш умумхалқ иши.

Инсон, унинг меҳнат, тур-муш ва дам олиш шароитла-

ри тўғрисида ғамхўрлик қи-лиш — партия сиёсатининг энг муҳим масаласи.

КПСС совет халқи-нинг сингалтан авангарди.

Совет жаҳиятда КПСС раҳбарлик ролининг ортиб бориши.

Партиянинг омма билан алоқани мустаҳкамлаш тўғ-рисидаги ғамхўрлик.

Қадрларни тайиаш, жой-жойига қўйиш ва тарбияла-шнинг ленинча принциплари.

Коммунистнинг ҳулқ-ат-вори ва ишлари — унга ба-ҳо беришда асосий мезон.

Социалистик демократия — экономикани ривожлан-тириш, меҳнаткашларнинг иқтисодий ва меҳнат ак-тивлигини оширишнинг муҳим воситаси.

Идеология ишининг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкам-лаш — энг муҳим вазифа.

Матбуот, телевидение, ра-дио — оммани уюштириш ва тарбиялашнинг, жамоатчи-лик фикрини шакллантири-шнинг таъсирчан воситаси.

Совет жаҳиятнинг маъ-навий ҳаётида адабиёт ва санъатнинг ролинн оширай-лик.

Улуғ Ватан урушида со-вет халқи қозонган Ғалаба-нини жаҳоншумул тарихий аҳамияти.

СССРнинг ленинча ташқи сиёсати — тинчлик ва тинч-тотув яшаш сиёсати.

Ядро ҳалокатига йўл қўй-маслик — КПСС ва Совет ҳўкумати ташқи сиёсий фа-олиятининг асосий маъмуни.

Социалистик давлатлар-нинг ҳамдўстлиги — инсо-нийнинг тинч келажига учун курашда энгилмас куч.

Қардош социализм мам-лакатлари билан ҳамкорли-кни ҳар томонлама мустаҳ-камлаш — КПСС ташқи сиёсатининг муҳим йўнали-ши.

Варшава Шартномаси ташкилоти — ядро уру-шини олдини олиш, халқаро хавфсизлиқни мустаҳкам-лашнинг ишчилик воситаси.

НАТО давлатлари билан ҳарбий-стратегия мувоза-натта эришилганлиги — қар-дош социализм мамлакатла-рининг тарихий ғалабаси.

КПССнинг СССР Қурол-ли Кучларини мустаҳкам-

лаш тўғрисидаги ғамхўрли-ги.

АҚШ империализми — халқаро кескинлиқнинг асо-сий манбаи.

Империализмнинг со-циалистик давлатларга қар-ши қўпуровчилик фаолияти.

АҚШнинг иқтисодий экс-пансияс кенгайтирилаётган-лиги ва кучайтирилаётганли-ги халқлар мустақиллигига хавф-хатар солмоқда.

Барча тинчликсевар, урушга қарши кучларнинг жипслашуви жаҳон уруш-ининг олдини олишнинг му-ҳим омил.

СССРнинг Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакат-лари билан ҳамкорлигининг янада кенгайтирилиши.

Капиталистик мамлакат-лар билан нормал, тенг ҳу-қуқли муносабатларни рив-ожлантириш — СССРнинг принципиал йўли.

Ҳозирги босқичда Совет-Америка муносабатлари.

Дунёда уруш хавфини ка-майтириш борасида Совет Иттифоқининг янги ташаб-буслари.

1985 йилги планни бажари-шда беш йиллик нарсала-рини тўлдириш — ҳар бир меҳнат коллективининг шо-ишаф иши.

1985 йилги планни ва умуман беш йилликни му-наваффақиятли бажарайлик.

КПСС XXVII съездинн муносиб кутиб олайлик!



«НОНТЕПКИЛАР»

Юқоридида сарлавҳа ост-ида босилган материалда («Тошкент ҳақиқати», 14 февраль) Назоий номиядта Тошкент Давлат педагогика институтини бадий графика факультетининг студенти Мамасоли Худойбердиев, унинг ўртоқлари Аҳмад Эшмуродов ва Махмуд Ёрашовларнинг ижодий қилишлари ҳақида ёзилган эди. Улар ўзаро тил бириктириб, уйини ижарага берган Акрои отага нисбатан ижтимоий куч иш-латиб, буюмлари ва пулини ўғирлашган.

Институт партия комитетининг секретари К. Юсуповнинг ҳабар қилишига, мақо-ла институт партия комитетининг кенгайтирилган мажли-сида факультетларнинг партия ташкилоти секретар-лари ва деканлари, космо-мол комитети секретарлари иштирокидида муҳокама қи-лган. Муҳокама қатнаш-чилари бадий графика фа-культети декани, студентла-ри ўртасида сиёсий-тарбия-вий ишларга эътибор сусай-ганлигини қаттиқ қоралаган-лар. Бундан буён ана шу-ндай ҳуноқ хатти-ҳаракатла-рини олдини олиш, ҳуқуқ би-лимларини кенроқ пропа-ганда қилиш, қонун бузувчи-ларга нисбатан бешафқат бў-лиш, оммавий ва тарбиявий ишларини янада кучайтириш бўйича изчиллик билан иш олиб бориш вазифалари бар-ча факультет партия ташки-лотларидан талаб қилинди.

«СУЯҚДАН... БЛИНЧИК»

Газетанинг шу йил 26 апрель сониди юқоридида сар-лавҳа билан босилган таъки-дий ҳабагга Октябрь охиш-онлар трестига қарашли «Октябрь» кафеидан жа-воб олинди. Жабоида айтили-нича, таъкидий ҳабаг коллек-тив ўртасида муҳокама қи-либ, камчиликка йўл қўйган шахслар жазоланган. Жум-ладан, билинчик тайёрлашда унинг сифати эътибор бер-маганликлари учун Я. Кау-

ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза районидида йилнинг Улуғ Ва-тан уруши ивиаллиди Ибро-ҳим Мамадалиев редакцияга юборган шикоятда уйига телефон ўтказиш масаласи 1980 йилдан бери ҳал қилин-май, пайсалда солиб келина-ётганини кўрсатган.

Хатда кўтарилган масала-ни ҳал этиш шаҳар телефон тармоқлари беш бошқарма-сига ҳавола қилинган эди. Кунн кеча беш бошқарма бошчилигини ўринбосари М. Дабобоевдан жабоб олин-ди. Унда айтилинича И. Мамадалиевнинг зарисан йо-набига олтиб, уйига телефон ўтказиб берилган.

КАМЧИЛИКЛАР

ТАСДИҚЛАНДИ

Редакцияга келган хатлар-дан бирда Қўйибшев охиш-онлар трестига қарашли «То-льпан» кафеидида ҳўран-далар ҳақида ҳўнат қилина-ётганлиги, оқватларнинг си-фатсиз тайёрланаётганлиги кўрсатилган эди.

Хат текириш ва чора қу-риш учун Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасига юборилган эди. Яқинда бош-қарма бошлиғи Э. Абдулла-евдан жабоб олинди. Хатда келтирилган фактлар бўйича «То-льпан» кафеидида ўткази-лган текиришда фактлар-ларнинг кўпчилиги қисми тасдиқланди. Жумладан, кассир Э. А. Цой, буфетчи С. Вахромонов ҳўрандалар ҳақида уриб қолтирган. Шу муносабат билан ўтказилган тафтишда буфетда 502 сўм 58 тиын, кафе ошборхонаси-да 271 сўм 19 тиын, охиш-онада 47 сўм 91 тиын камо-мад борлиғи маълум бўлди.

Текириш ишларида жо-сан хиёнат қилганлар жа-вобгарликка тортиладилар.

«ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР»

Газетанинг 7 март сониди босилган юқоридида сарлав-ҳада хабарда Оҳангарон районидида Қўйибшев номли совхозда ёллар учун етар-ли шарт-шароитлар яра-тиб берилмаганлиги, жумла-дан болалар боғчалари етиш-маслиғи таъкид қилинган эди.

Район ижроа комитетининг раиси Т. Валиевдан олинган жабобда айтилини-ча, текиришдан хабарда келтирилган камчиликлар тасдиқланган, уларни туга-тиш тадбирлари белгиланган.

Ўбайт қишлоғидида 7-урта мактабда 21 болага мўлжалланган тайёролов син-ғи очилган. Бунга олти ёш-га болалар жалб қилинган. Бундан ташқари шу қиш-лоқда ишлатилган болалар айлари совхоз ишига жалб қилинган уларнинг фарзанд-ларини ясли ва боғчага жой-лаштиришга болаларини олиб бориш ва кечқурун келти-риб қўйиш учун эса тран-спорт ажратилган қарор қи-линган.

Совхоз маъмурияти қиш-лоқдаги болалардан бирда 20 — 25 болага мўлжаллан-ган марказий боғча филиали-ни очилиш мўлжалланмоқда.

АГАР СЕН ДЕПУТАТ БЎЛСАНГ...

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҲАМДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯЛАРИНИНГ ДАВРА СУҲБАТИ

ИТТИФОҚДОШ ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, ҳалқ депутатлари маҳаллий Советларига шу йил февраль ойида бўлиб ўтган сайловлар социалистик демократиянинг ҳақиқий таъини айланди. Бизнинг мамлакатимизда қатъий қарор тошган ана шу демократия асосида миллионлаб меҳнаткашлар давлат ва жамиятнинг бошқаришда актив қатнашмоқдалар.

Янги қаҳрида сайланган депутатлар КПСС XXVII съездида ҳамда совет ҳақиқини Улуғ Ватан урушидаги Буюк Ғалабасининг 40 йиллигига қизғин тайёргарлик давом этаётган аjoyиб кунларда иш бошладилар. 1985 йилда Советларнинг 80 йиллик юбилейи ҳам таъини айланди. Биринчи рус революцияси даврида юзага келган Советлар бизнинг давлатимизни сиёсий негизини ташкил этиб, тоғ жамияси билан ҳалқ ҳокимиятичилигини таъминламоқда. Советлар кенг омманинг диққат-эътиборини социал-иқтисод ва сиёсий вазифаларга жалб этмоқда ва уларнинг иқтисодий куч-қайратларини ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга йўналтирмоқда. Советларнинг бутун фаолияти ҳамма синф ва социал группа-

лар, миллат ва элатлар, совет жамиятининг ҳамма ёшдаги кишилари манфаатларига мос бўлиб тушади.

Бу йилги сайловларда Тошкент об-ласт маҳаллий Советларига 12 минг 694 депутат сайланди. Шундан 39,2 проценти ишчилар, 29,5 проценти колхозчилар, 56,9 проценти хотин-қизлар, 33,2 проценти 30 ёшгача бўлган кишилардир. Депутатларнинг 40 проценти яқини биринчи марта сайланди.

Ҳалқ вакиллари олдидан барча совет кишилари билан биргаликда ҳўжалик ва маданий қурилишга оид муҳим масалаларни ҳал этиш вазифаси турпти. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари урғок М. С. Горбачёвининг КПСС Марказий Комитети апрель Пленумида қилган докладыда аниқлаб берилди. Аввало, экономика самарадорлигини оширишда чинакам бурилиш ясамоқ зарурлиги лозим бўлади. Социал програтимни амалга оширишда ҳам кўп ишлар қилиш зарур.

Ҳалқ депутатлари Советлари ўз территорияларида тўла ҳўжалик ҳўжайин ҳисобланадилар. Улар ҳўжалик ва маданий қурилишга янада ғайрат билан раҳбарлик қилишга, аҳолига манший, сав-

до ва медицина хизмати кўрсатишга аҳишланишга, совет қонунчилигининг ҳар қандай бузилишига қарши, бюрократизмга қарши қатъий кураш олиб боришга даъват этилганлар. Депутатнинг бурчи — кишиларнинг иқтисодий активлигини ўстириш, омма билан алоқани мунтазам мустаҳкамлаб боришдан иборат. Сайловолди учрашувларида қўллаб-қувватлаб берилди. Советларнинг вазифаси — бу нақазларни синчковлик билан ўрганиб чиқиб, умумлаштиришдан, энг муҳими эса уларни тўла бажаришдан иборатдир.

Ҳўш, ҳалқ вакиллари қандай фаолият кўрсатишлари лозим? Уларнинг иш юритиш услуби ва методлари қандай бўлиши керак? Ўзларидан аввалги сайланган депутатлардан нима ларини ўрганишлари зарур?

Тошкент об-ласт ижроия комитети ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларининг яқинда уюштирган давра суҳбатига ана шу масалалар муҳокама этилди.

Давра суҳбатини Тошкент об-ласт ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Ф. Клепиков олиб борди.

ҲАМКОРЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛИНСА

А. НОРТОВ,

ҳалқ депутатлари Бордонкўл қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси

Қишлоқ Советимиз территориясида «Политотдел» ва «Ленинский путь» колхозлари, қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги таъриба заводи, Юкори Чирчиқ луб заводи, 10 та турли қурилиш-монтаж ташкилотлари, 6 та мактаб, 2 та қишлоқ участка шифохонаси, бир нечта умумий овқатланиш ва маший хизмат кўрсатиш корхоналари жойлашган. Ана шу корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳаммасида ҳар йили баҳорнинг дастлабки куниданоқ ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишлари кент кўламда авж олиб кетади. Табиийки, бу ишларнинг ҳаммасини коммунал хизмат корхоналари ҳодимларининг кучи билангина амалга ошириб бўлмайди. Бу хайрли ишга кент жамоатчилигини, меҳнатта яроқли аҳолини ҳам жалб этиш керак бўлади.



минланаётганлиги тўғрисидаги шикоят хатлари то депутатларалашмагунча, эътиборсиз ташлаб қўйилди. Зтурар-жойлардан фойдаланиш бошқармаси ҳодимлари бу иш билан шўғуллинишга мажбур қилингандан сўнг ҳам масъулиятсизликка йўл қўйди. Яшовчилар қиш буйи совуқдан қийналиб чидилар. Бундай иш юритиш шаҳар ижроия комитети, унинг депутатлари шаънига ҳам ярашмайди, албатта.

Ўзим ишлаб турган мактабдаги аҳвол мени депутат сифатида ҳам, ўқитувчи сифатида ҳам жуда ташвишга солади. Маълумки, ислохот

ДОИМИЙ КОМИССИЯ ТАВСИЯСИ БИЛАН

С. ОРИПОВ,

район маданий бўлимининг мудир, ҳалқ депутатлари Охангарон район Советининг депутати.

Ўтган йили комиссия аъзоларининг таклифи билан «КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди» таалаблари асосида қишлоқ аҳолисида медицина хизмати кўрсатиш ва социал таъминоти янада яхшилаш чоралари тўғрисида»гч масала ҳалқ депутатлари район Совети сессиясида муҳокама қилиш учун тақдим этилди. Бу масалани тайёрлаш давомида доимий комиссия аъзолари медицина ҳодимлари билан ҳамкорликда қишлоқда ҳамма даволаш муассасаларини текширудан ўтказдилар ва аниқланган камчиликларни тезроқ тугатиш юзасидан тавсиялар бердилар. Сессиядан сўнг эса қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат остига олидилар.



Депутатлар амалга оширган иш даволаш муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, малакали кадрлар билан таъминлаш, замонавий медицина асбоб-ускуналари, турли инвентарлар харид қилиш имконини берди. Қишлоқ ҳўжалик меҳнат қишлоқлари бевосита иш юйларига медицина кўригидан ўтказиш ва хизмат кўрсатиш ахшиланди.

Доимий комиссия аъзолари Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига қандай хизмат кўрсатилаётганлигини мунтазам қатъий назорат қилиб борадилар. Комиссия бу соҳада жиддий нуқсонлар борлигини аниқлади. Медицина муассасалари раҳбарларига ветеран ва инвалидларни қайта кўриқдан ўтказиш, даволаш зарурлиги бўлган беморларни шифохоналарга етқизиш, санитария ва дам олиш уйларида йўлдамалар бериш таклиф қилинди.

Шу билан бирга Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига маший хизмат кўрсатиш ҳам анча яхшиланди. Уларга 1150 дона шифер, 75 куб метр ётахта материаллари, 105 тонна пичан, 50 тонна кўмир ва бошқа материаллар реализация қилинди. Мамлакатимиз ва республикамиз бўйлаб саёхатлар уюштирилди.


А. Абалаян фотолари.

ЮКСАК ТАРТИБ, ИНТИЗОМ УЧУН

С. ШЕЙКИН,

Охангарон «Стройластмасс» комбинати қузов цехининг сепаслар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати

КОММУНИСТИК партия совет кишиларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, илмий-техника тараққийини жадаллаштириш учун қатъий кураш олиб боришга даъват этмоқда. Ҳамма соҳада бўлганидек, бу муҳим тошйирини амалга оширишда давлат ҳокимиятининг ҳамма бўғинлари депутатлари — СССР Олий Советидан тортиб, то қишлоқ ва посёла Советига, айниқса, бевосита ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ҳалқ вакиллари катта роль ўйнашлари лозим. Маълумки, мамлакат давлат ҳокимияти органидаги ишчи ва колхозчи деҳқонлар жуда кўпчилигини ташкил этади. Демак, улар кўп иш қила оладилар. Ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ҳар бир депутатнинг бурчи — ишда юксак фидокорлик, ушқоқлик ва онгли интизом намуналарини кўрсатиб-гина қолмай, ишлаб чиқариш тошйиринларини бажариш таъминлашда, колхозчилар илгорлар сафига олиб чиқишда партия ташкилотига актив ёрдам кўрсатишдан, социалистик мусобақа ташаббускори бўлишдан иборатдир.



нат беллашувиининг аниқ ва самарали бўлишига олиб келаётди. Депутатларнинг ҳара-

мисиялар бу масалага жиддий эътибор бермоқдалар. Сўзқў қишлоқ Советига 65 депутат сайланган. Бу — катта куч. Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши билан бевосита банд бўлган депутатлар ерга ер қўшиш учун курашда шахсий намуна бўлмоқдалар. Жумладан, қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик бўйича доимий комиссия раиси Файзи Эгамбердиев, ҳалқ контроли группаси раиси Абдуҳаёт Эрматов ҳамда қишлоқ Совети депутатлари Сотти Фазлиддинов, Умар Бувабоевлар территориямиздаги бекор ётган тепаларни, йўллارнинг чети ва уятларни тегишсиз, совхоз ерларига қўшиш ташаббус билан чиқдилар. Бу ҳаракат қишлоқ Советида қўллаб-қувватланди. Шундан сўнг бутун қишлоқ территориясида ерларни ахшилатиш ишлари, йўллар ва ариқ-зорлар бекорлигини тартибга келтириш, майда тепаларни суриб, совхоз экни, зорларини кенгайтириш ҳа-

ҳосили олинди. Бундан ташқари, сув чиқмайдиган қия ерлар зиналоя шаклида ҳайдалиб, 375 гектар майдонга турли мевади дарахт кўчатлари экинди, 50 гектарлик янги узумзор барпо этилди. Натижада совхоз мевадан 272 минг сўмлик, узумдан 126 минг сўмлик қўшимча соф фойда олди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябр Пленуми ерларни мелиорациялаш, сурориб ҳайдала-диган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ўн иккинчи беш йиллик ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программасини маъқуллади ва уни амалга оширишда маҳаллий Советлар роилини қўлайтириш вазифасини қўйди. Қишлоқ Советимиз депутатлари бу масъулиятни, шу билан бирга шарафли вазифани муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Район партия комитети ва район



СУРАТДА: давра суҳбати пайти.

қатлари билан корхонанинг 5-ўрта мактаб педагогика толлептии ҳамда ўқувчилари билан алоқаси янада мустаҳкамланди. Мактабда юкори синф ўқувчиларини касога йўналтириш ишлари анча яхшиланди. Эндиликда кўпгина билар мактабни биттирилганлардан сўнг бизнинг корхонамизга ишга келмоқдалар. Масалан, бу йил депутатлар ва комбинатнинг ишлаб чиқариш илгорлари билан оталикдаги мактабнинг юкори синф ўқувчилари ўртасида «Юз йўлдан бири — сенки» ва «Менинг меҳнатим республикамнинг умумий меҳнатига қўшимча» мавзуларида суҳбат ва комсомол йиғилишлари ўтказилди.

Бизнинг депутатларимиз ўқишда ва ишда қийналаётган ўсмирлар билан ҳам жиддий шўғулламоқдалар. Улар хонадонларда бўлишиб, ўсмирларнинг оғ-оналар билан таъини моқдалар, уларнинг қандай шароит ва муҳитда илаётганликлариини ўрганоқдалар, ҳаётдаги ўз ўринларини тўғри топишларида ёрдам бермоқдалар.

ракати бошланиб кетди. Шу йўл билан Калинин номили совхоз ғаллазорлари 23 гектарга кенгайтирилди ва қўшимча 230 тонна дон кўришмоқда.

МАКТАБ ИСЛОХОТИ — УМУМҲАЛҚ ИШИ

Л. БОРОДИНОВА,

Ангрендаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси, ҳалқ депутатлари Тошкент об-ласт Советининг депутати

ЮКСАК депутатлик номини оқлаш учун ҳалқ вакиллари ўзлари депутат қилиб сайланган территориядаги аҳоли билан алоқани мустаҳкамлашлари, ҳўқуқ ва бурчаларини, иш юритиш форма ва методларини, қонунчилигини ахши билишлари зарур.



Ангрен шаҳар ижроия комитети бўлиб ўтган навбатдаги сайловдан сўнг депутатларнинг махсус ўқувини уюштирмоқда. Ана шундай машғулотларда ижроия комитетларнинг, уларнинг бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари, юристлар, шунингдек шаҳар Советига бир неча марта сайланган депутатлар сўзга чиқмоқдалар. Бу тадбир ишнинг бошида кўп пухта бўлишда, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишда ёш депутатларга катта ёрдам бераётди.

Базан сайловчиларининг депутатлар олдига қўйётган масалалари у қадар муҳим эмасдек туюлади. Лекин ҳаётда ана шундай майда-чўйда, икки-чиқирлар ахши қайфият ва унум билан ишлашга, қўғилдагидек ҳордиқ чиқаришга ҳалақит беради. Шунинг учун ҳам мен депутат сифатида сайловчилар томонидан билдирилган ҳар қандай эътирозларни, албатта, эътиборга олишга, шаҳар ижроия коми-

НАКАЗЛАР ИЖРОСИЗ ҚОЛМАСИН

В. ИВАНОВА,

район кинодирекциясининг директори, ҳалқ депутатлари Янгийўл район Советининг депутати

МЕН БУ ЙИЛ Янгийўл район Советига олтинчи марта депутат қилиб сайландим. Бу юксак ишончларни оқлашга ҳаракат қиламан.



Сайловчилар билан деярли ҳар кун учрашиб тураман. Кинофакторлик касбим шунга тақозо этади. Аммо меҳнаткашлар даврасида бўлганимда ҳар сафар савдо, маший хизмат корхоналари ва бошлар муассасалари иши ҳақида сўз очаман. Чўнки район ижроия комитетининг турар-жой комиссияси аъзоси бўлганимдан учун бу соҳадаги аҳволдан доимо қабардор бўлиб туришим керак. Шу муносабат билан меҳнаткашларнинг квартирасураб ётган аризалари, турар-жойларнинг қандай тартибда тақсимланаётганлиги масаласи билан мунтазам шўғулламанам.

Сайловчилар билан учрашган чоғларда табиийки, нақазлар ҳам олиб тураман. Бу нақазларнинг аксарияти ўзимнинг иш соҳамга тааллуқли бўлади, албатта. Жумладан, аҳоли қўғилча янги кинотеатрлар қуриш, турар-жойларда, фермаларда, машина-трактор паркиларида, дана шйптонларида фильмлар намойиш этиш, кинофестиваллар уюштириш истаёди. Бу йил нақазларни ба-

жаришни ўзимнинг биринчи гадарида вазифам деб биланам. Сайловчиларнинг талаб-истакларига бимоан Ленин номили колхозда ва бройлер фабрикасида 300 ўғирли янги кинотеатр қурилди. Эски Ювончи посёласида қуриладиган янги қишки кинотеатр биносининг лойҳасмета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Кейинги икки йил ичида сайловчилар олдидан тўрт марта ҳисобот бердим. Бундай учрашувларга алоҳида масъулият билан қарайман. Меҳнатим, ҳаракатларим зое кетмапти — нақазлар тўлиқ бажарилипти.

ҲАММА БОЙЛИКЛАРИМИЗ МАНБАИ — ЕР

С. АБДУХОРИНОВ,

Паркент район Сўзқў қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси

ҚИШЛОҒИМИЗ тоғ бағрида жойлашган. Табиати гўзал, ҳавоси сўлим. Турли ноз-неъматларга бой. Бу яхши, албатта. Аммо гап табиат аҳсонларидан баҳраманд бўлишдагина эмас, балки шу бойликларга бойлик қилишдадир. Мен фурсатдан фойдаланиб қишлоғимиз депутатларининг шу соҳадаги ишлари тўғрисида сўзламоқчиман.

Калинин номили совхознинг экзорларни кент, бор ва тоқзорлари кўп. Қир ва адирлардаги ғаллазорлари ҳам беповен. Демак, ҳамма бойликларимиз манбаи бўлган ерларимиздан имкони борича, самарали фойдала-



ҳолларига, ўғриллик, сунистеъмол қилиш, қайғовчилик, техникўрлик каби турмушимизга ёт илатларга нисбатан бефарқ бўлмастимиз керак. Депутат саноти корхоналарида ҳам актив фаолият кўрсатиш зарур. Чўнки у ҳўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилишда Советларга ҳамда унинг ижроия комитетига ёрдам беришга даъват этилган.

Бизнинг шаҳримизда 75 нафар депутат бор. Агар уларнинг ҳар бири ҳафтасига камидан икки марта мактаб ёки мағанида, умумий овқатланиш ёки маший хизмат корхонасида бўлишни планлаштирс, у ердаги камчилик ва нуқсонларни, ҳў жасалик ва талон-тароқлининг очиниға келган бера, бундан катта наф келган бўларди, албатта.

Агар эътибор берсангиз, кўфсида депутатлик нишонини бор қилиш пайдо бўлганда сотувчи билан харидор ўртасидаги, ҳайдовчининг пасажирларга нисбатан муомаласи мулоимлашади. Сабоби — депутат бефарқ кузатувчи киши эмас. Ҳалқ унга катта ишонч билдирган. Шу сабабли ундан ҳар доим актив ҳаракат қилишни талаб этади.

ТОШКЕНТ об-ласт ижроия комитети, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларининг давра суҳбатига «Ангрен» кўмир разрез марказий электромеханика устакхонаси тоқари. Ангрен шаҳар Советининг депутати В. Шингин, Чиноз районидан «Олмазор» совхозининг бригада бошлиғи, об-ласт Советининг депутати В. Халилова, Олмалик кон-металлургия комбинати комсомол комитетининг секретари, Олмалик шаҳар Советининг депутати Р. Эрнзаров, Солдатское нои комбинати смена бригада бошлиғи, Ғалаба

район Советининг депутати В. Мулик, трансформатор заводининг ишчиси, Чирчиқ шаҳар Советининг депутати Л. Коваленко, кон бошқармалари директори уринбосари, Янгийоб шаҳар Советининг депутати П. Анниклоб ҳам иштирок этилди. Бу депутатлар меҳнат коллективларида ҳамда турар-жойларда ҳалқ вакиллари фаолиятини янада активлаштиришга қаратилган қимматли таклиф ва мулоҳазаларни баён этилди. Асосий эътибор граждандарнинг ариза ва хатлари билан ишлашни, уларни қайта қилишни уюштиришни ахшилашга, бул қилишни уюштиришни ахшилашга,

ёшлар ўртасида тарбия ишларини қўлайтиришга, социалистик қонунчилигини бузилишига қарши кескин курашишга, депутат сўроғи каби ишнинг энг таъсирчан формасидан кенгроқ фойдаланишга, депутатларнинг ҳалқ назоратчилари, қўғилчи жамоат ташкилотлари билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Давра суҳбати қатнашчилари маҳаллий Советлар депутатларининг ўз ваколатларини амалга оширишдаги активлиги ва ишчанлигини қўлайтиришга қаратилган тавсиялар қабул қилдилар.

